

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 15/27.02.2020. Т. 73.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ХАМЗАЕВ ХАҚБЕРДИ ЭШИМИРЗАЕВИЧ

ПОЛИЭТИЛЕН АСОСИДАГИ МЕТАЛЛ ТЎЛДИРУВЧИЛИ
НАНОКОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ВА УЛАР АСОСИДА
МАҲСУЛОТЛАР ОЛИШ ТАРКИБИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.02.01 –Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Материалларга термик
ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва камёб металллар металлургияси. Камёб,
нодир ва радиоактив элементлар технологияси.

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
авторферати мундарижаси

(Дилмление авторферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам

Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) and
technical sciences

Хамзаев Хакберди Эшмирзаевич
Полиэтилен асосидаги металл тўлдирувчи нанокөмпозицион материаллар ва
улар асосида маҳсулотлар олиш таркиби ва технологиясини
такомиллаштириш.....3

Хамзаев Хакберди Эшмирзаевич
Нанокөмпозиционные материалы с металлическими наполнителями на основе
полиэтилена и совершенствование состава и технологии получения продукции
на их основе.....23

Khamzaev Khakberdi Eshmirzaevich
Nanocomposition materials with metal fillers based on polyethylene with enchanged
composition and them based production technologies43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works46

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc-15/27-02-2020.Г.73-02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ХАМЗАЕВ ХАҚБЕРДИ ЭШМИРЗАЕВИЧ

ПОЛИЭТИЛЕН АСОСИДАГИ МЕТАЛЛ ТЎЛДИРУВЧИЛИ
НАНОКОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ВА УЛАР АСОСИДА
МАҲСУЛОТЛАР ОЛИШ ТАРКИБИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.02.01 –Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Материалларга термик
ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва камёб металллар металлургияси. Камёб,
нодир ва радиоактив элементлар технологияси.

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2. PhD/11762 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жигуч Довит педагогика институтида бажарилган.

Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uznet.uz) ва «Ziyoue» ахборот таълим порталида (www.ziyoue.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий рақам:

Умаров Абдусалом Вахитович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий ошшоқчилар:

Ибратуллоева Умид Алижония
техника фанлари доктори, профессор

Алилов Рашид Иркинович
техника фанлари доктори, доцент

Билкичи таъкилот:

Турин политехника институти Тошкент филиали

Диссертация химояси

Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги
DSc.15/27.02.2020.Т.73.02 рақамли Илмий кенгашнинг «17» сентябрь 2021 йил соғ. 16.00 даги
мажлисида бўлиб ўтади. (Маъзил: 100167. Тошкент. Темир йўлчилар кўчаси 1-уй Тел (99871)299-00-
01, факс: (99871)293-57-54 e-mail:

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида
танишиш мумкин (020 рақам билан рўйхатга олинган). Маъзил: 100167, Тошкент. Темир йўлчилар
кўчаси 1-уй. Тел. (99871)299-05-66.

Диссертация авторферати 2021 йил «31» май куни тарқатилди.
(2021 йил «30» май даги 01 рақамли реестр баённомаси)



А.М. Арифжанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Э. Тешабасва

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, профессор

Ш.С. Файзбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда, жумладан, АҚШ, Германия, Хитой, Япония, Россия Федерацияси ва бошқа ривожланган давлатларда нанофазали композицион полимер материаллар яратиш, уларнинг хусусиятларини ўрганиш ва улар асосида янги технологиялар, қурилмалар ва электрон қурилмалар ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бирга ноёб хусусиятларга эга наноструктураларни ва улар асосида олдиндан берилган функционал хоссали композицион материаллар олишга алоҳида эътибор қаратилган.

Дунёда композицион полимер материаллар технологияси ривожланишининг янги босқичлари, юқори мустаҳкамлига эга бўлган маҳсулотлар олиш функционал элементларини янада кичиклаштириш, уларнинг хусусиятларини ўрганиш ва янги технологиялар асосида маҳсул хусусиятларга эга наноструктуралар ва композициялар яратишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда наноўлчамли объектларнинг хоссаларини ўрганиш ва тадқиқ этиш, таркибида нанозарралар мавжуд бўлган нанообъектларнинг ноёб хоссаларини ўрганиш борасида бир қанча натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш...», Ўзбекистонга янги технологияларни олиб кириш, янги технологияларни яратиш...»¹ юзасидан муҳим вазифаларни белгилаб берган. Шу билан бирга нанозаррачали композицияларнинг шаклланиш жараёнларига таъсири қонуниятларини, уларнинг физик-механик ва триботехник хоссаларини ўрганиш полиэтилен матричасида кадмий сульфид ва мисни ўз ичига олган нанозарралардан тузилган композит материалларга асосланган янги авлод қурилмаларини яратиш долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони ва 2017 йил 1 ноябрдаги «Илмий тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3365-сон, 2018 йил 27 апрелдаги «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга тадқиқ этиш тизимларини янада такомиллаштириш тўғрисида» ПҚ-3382-сон, 2018 йил 7 майдаги «Иқтисодиёт соҳаси ва тармоқларида инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3698-сон қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Полиэтилен асосидаги тўлдирувчи материаллар ва улар асосида маҳсулотлар олиш таркиби ва технологиясини яратиб бўйича Ю.С.Липатов., S.Huleman, R.Morgen, A.Nayashi, D.Jully, G.Akovaqi, A.D-Atome, C.C.Песецкий, В.А. Гольдаде, С.С. Нигматов, С.Ш. Рашидова У.Абдурахмонов, Т.Бобоев, А.С.Ибодуллаев, Э.У. Тешабоева, У.А. Зиямухамедова ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Улар томонидан конструкция, триботехник, декоратив, химия, электротехник ва бошқа вазифани бажарувчи қисмларни ишлаб чиқариш учун олиб борилган тадқиқотлар аксарияти дисперс тўлдирувчи композицион материаллар бўлиб, механик ва иссиқлик хусусиятларида ўзига хос камчиликлардан холи эмас. Полимер композицион материаллар, хар хил таркибли, дисперсли, табитусли ва фаолликли компонентлар, модификаторлар, полимерлар, ингрдиентлар ва уларнинг олиш технологиялари ишлаб чиқилган. Шу билан бирга таркиби ва тузилиши, зарядли ҳолати, олиниш технологияси ва бошқа шу каби ўзига хос параметрлари билан фарқланувчи кичик ўлчамли композицион полимер материалларни модификациялаш, улардан наноматериалларнинг бирламчи компонентларини тайёрлаш, маҳсулотни қайта ишлаш жараёнида ташқи факторлар таъсирида уларнинг трансформация механизмини аниқлаш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл мухандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида КА-12-004 «Маҳаллий хом-ашё асосида электротехника ва мухандислик саноатида яхшилланган техник параметрларга эга полимер композит (шу жумладан, нанотузилишли) материалларни ишлаб чиқиш» (2015-2017 й.) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иккиламчи полиэтилен асосидаги металл тўлдирувчи наноконпозицион материаллар ва улар асосида маҳсулотлар олиш таркиби ва технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бир-биридан изоляцияланган сульфид ва металл нанозарралар асосида композит материаллар олиш технологияларини аниқлаш;

иккиламчи полиэтилен матричасида олинган полимер композицион материалнинг физик-кимёвий хоссаларини нанозарралар ўлчами, уларнинг хусусиятлари, тузилиши ва нанозарралар концентрациясига боғлиқлигини аниқлаш;

наноконкомпозит молекулаларнинг структурасини, энергия-дисперслигини ва таркибий элементлари морфологиясини аниқлаш;

нанотўлдирувчиларнинг фазали таркибига ва полимер композит материал ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ ҳолда полимер наноконкомпозитларнинг шаклланишини асослаш;

нанозаррачаларнинг табиати ва таркибига боғлиқ ҳолда наноконкомпозитларнинг деформацион, триботехник, термофизик ва эластиклик хоссаларини аниқлаш;

бир-биридан изоляцияланган сульфид ва металл нанозарралар асосида композит материаллар ва улар асосида наноструктурали буюмлар олиш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти мис ва кадмий сульфид нанозарралари ҳамда улар асосида тўлдирилган иккиламчи полиэтилен наноконкомпозитлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети мис ва кадмий сульфид нанозарралари тўлдирилган композицион материалларда нанозаррачанинг ўлчами ва таркибий тузилиши ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида атом кучли микроскоп, рентгенография, иссиқлик сирими ва иссиқлик ўтказувчанлик, механик – реологик хоссаларни ўрганиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

бир-биридан изоляцияланган сульфид, металл нанозарралар ва иккиламчи полиэтилен асосида наноконпозицион материаллар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

тўлдиригичлар нанозарралар ўлчами, уларнинг хусусиятлари, тузилиши ва концентрацияси, иккиламчи полиэтилен асосидаги композицион материалнинг физик-кимёвий хоссаларига таъсири аниқланган;

сульфид ва металл нанозарралар асосида яратилган наноконкомпозит молекулаларининг структураси, энергия-дисперслиги ва таркибий элементлар морфологияси аниқланган;

нанотўлдирувчиларнинг фазали таркибига ва полимер композит материал ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ ҳолда полимер наноконкомпозитларнинг структура ва хоссалари шаклланиши асосланган;

нанозаррачаларнинг табиати ва таркибини наноконкомпозитларнинг деформацион, триботехник, термофизик ва эластиклик хоссаларига таъсири асосланган;

бир-биридан изоляцияланган сульфид ва металл нанозарралар билан тўлдирилган иккиламчи полиэтилен асосида композит материаллар ва наноструктурали буюмлар олиш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

иккиламчи полиэтилен асосидаги мис, кадмий сульфид нанозарралари тўлдирилган ва уларнинг микдори, таркибини танлашда ишлашнинг ўзига хос шартларига қараб керакли хусусиятларга эга материалларни танлашнинг илмий асоси яратилган;

иккиламчи полиэтилен композит материалларнинг тузилишини текшириш, уларнинг физикавий ва механик хусусиятларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган ва Жиззах полимер пласт мастулияти чекланган жамияти

томонидан ишлаб чиқаришга жорий этилган; иккиламчи полиэтилен матрицасида тарқалган мис тутувчи нанозарралардан композит материаллари ва буюмлари тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган;

мис нанозарралари билан тўлдирилган иккиламчи полиэтилен композитни олиш технологияси яратиш натижасида sanoatда қўлланиладиган материалларнинг юқори температурага бардошлилигини таъминлашга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация тадқиқотида кимёвий-физикавий (ИК-спектроскопия, рентген-структуравий таҳлил, Атом кучли, растр, электрон ва оптик микроскопия, дифференциал-термик таҳлиллар) ҳамда физикавий-механик синовлар (муштаҳкамлилиги, иссиқлик сиғими, иссиқлик ўтказувчанлиги, иссиқлик сиғимининг хароратга боғлиқлиги) ва бошқа физик-механик усуллар қўлланилганлиги, ишлаб чиқариш шароитида тажриба синов намуналари олинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бир-биридан изоляцияланган сульфид, металл нанозарралар ва иккиламчи полиэтилен асосида нанокомпозицион материаллар ва буюмлар олиш технологиясини такомиллаштиришнинг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мис нанозарраларидан ташкил топган композицион материалларга асосланган машинасозликда ишлатиладиган автомобил эхтиёт қисмлари ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган наноструктуралӣ материаллар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Полиэтилен асосидаги металл тўлдирувчи нанокомпозицион материаллар ва улар асосида маҳсулотлар олиш таркиби ва технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

яратилган композициянинг полиэтилен трубаларда қўллаш технологик регламенти (ТР-01-Т2-345) «Ўзкимёсанoат» АЖ тармоқ стандарти (TS 2910-01:2007) 6.2.1-бандига асосан «Jizзах polymer plast» МЧЖ томонидан тасдиқланган. Натижада яратилган композициядан полиэтилен трубалар ишлаб чиқариш имконини берган.

Иккиламчи полиэтилен асосидаги мис, кадмий сульфид нанозарралари тўлдирилган композицион полимер материаллар таркиби ва технологияси «Жиззах полимер пласт» МЧЖ да амалиётга жорий этилган («O'ZBEKNEFTEGAZ» АЖнинг 2020 йил 23 ноябрдаги №1683/GK-11-сон маълумотномаси). Натижада маҳсулот сифати 33% ва иктисодий самарадорлиги 5 % ошириш имконини берган;

Иккиламчи полиэтилен асосидаги мис, кадмий сульфид нанозарралари тўлдирилган композицион полимер материаллар асосида олинган маҳсулотлар Муборак газни қайта ишлаш заводида амалиётга жорий этилган («O'ZBEKNEFTEGAZ» АЖнинг 2020 йил 23 ноябрдаги №1683/GK-11-сон маълумотномаси). Натижада корхона технологик жараёнларини иш

унумдорлигини таъмирлашга тўхташ камайиши ҳисобига 22% ва иктисодий самарадорликни 7% ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг тадқиқот натижалари 14 та, жумладан 3 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий (Scopus базасида) ва 4 таси республика нашрларида чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нанозарраларнинг асосий тузилиши ва хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида композицион материалларни турли материал нанозарралари асосида ўрганиш натижалари, уларнинг техникада қўлланилиши баён қилинган ва фаннинг ушбу соҳадаги хозирги ҳолати тасвирланган. Турли технологик таъсирлар (механик, кимёвий, термал, термомеханик ва ҳоказо) қўлланган ҳолда sanoat микёсида ўзлаштирилган полимерлар ва полимер композицион материал (ПКМ)ларни амалий қўллаш самарадорлиги нуктаи назардан функционал полимер композит материалшуносликнинг истиқболли йўналиши эканлиги кўрсатилган. Шунга кўра ПКМларни олишнинг асосий усуллари бўйича ўтказилган бир қанча тадқиқотлар, экспериментлар, улар зришган натижа ва хулосалар ҳақида маълумотлар келтирилган. Тузилиши ва синтезнинг технологик усулларининг (босим, харорат, аралаштириш, катализаторларнинг, инициаторларнинг мавжудлиги ва ҳоказо) ўзига хослиги туфайли sanoatда ишлаб чиқиладиган деярли барча полимер матрицалар назариядагидан фарқли биржинсли бўлмаган тузилишга эга. Синтезланган полимер ҳажмида маълум микдорда функционал қўшимчаларнинг қолдиқлари борлиги, синтез жараёнида мақсадга мувофиқ олинган гуруҳлар билан бир қаторда полимер макромолекуланинг таркиби қатор жараёнларнинг содир бўлиши билан боғлиқ бўлган турли функционал

гурухлардан иборатлиги. Бир вақтнинг ўзида полимернинг бутун массасида содир бўлаётган занжирнинг узиллиши ва ўсиши реакциялари узоқ яшовчи радикалларнинг мавжудлигига замин яради. Табиийки, полимер макромолекула фаол чегаравий гуруҳлар, ён тармоқланишлар, икки каррали боғланишлардан иборат. Муайян эксплуатация омилларнинг эскиришида бундай структурали ва фазали биржинсизликларнинг мавжудлиги ПКМ бузилиш жараёнининг сабаби бўлиб хизмат қилиши мумкин. Наноўлчамли заррачалар нафақат яратилиши ва қўлланиши технологияси ва материалшуносликларнинг (наноматериалшунослик ва нанотехнология) махсус сохалари миқёсида амалга оширилаётган кўпфазали кўлпононентли тизимларнинг объекти сифатида, балки параметрлари ҳажмли зарраларнинг расмий маълумотларидан катта фарқ қилувчи мустақил объектлар сифатида ҳам қизиқиш уйғотади.

Ушбу тадқиқот натижасида турли таркибли, тузилишли ва фаол кичик ўлчамли нанозарралар асосида композит материаллар олиш технологиялари аниқлаб олинди ва такомиллаштириш устида иш олиб борилди.

Диссертациянинг «Нанозарралари полимер композицион материалларнинг асосий кимёвий – физикавий хусусиятларини тадқиқ қилиш усуллари» деб номланган иккинчи бобда тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мос равишда турли вазифаларга мўлжалланган жиҳозлар қўлланилган: рентгенли ускуналар, растрозлектрон ва атом кучли микроскоплар, инфракизил спектр ўлчагич учун ускуналардаги таҳлил усулларидан фойдаланиш кўрсатилган.

Тажриба натижаларининг математик қайта ишланиши O'z. DSh 14359 – 69 (Механик тажрибалар усуллари. Умумий талаблар)га мувофиқ олиб борилди. Ишонч оралликларнинг чегаралари ишончлилик даражаси 0,95 бўлганда Стьюденг мезони билан аниқланган. Ўрганилаётган катталиклар қийматининг ишонч ораллиги чидамлилик характеристикаларни аниқлашда 10 % дан, технологик характеристикаларни аниқлашда 5 % дан ва функционал характеристикаларни аниқлашда 15 % дан ошмайди. Тажриба маълумотларини олиш «Юқори энергиялар маркази»да EVO MA 10 (Carle Zeiss (Germany)) сканерловчи электрон микроскоп ва EDX INCA Energy (Oxford Instruments (UK)) энергия дисперси рентген микроанализ қурilmаларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «Полимер композит материалларини тайёрлаш технологияси» деб номланган учинчи бобда полимер композитларнинг асосий таркибий хусусиятлари, шунингдек, кўп йўналишли полимер композит материалларни ишлаб чиқиш технологиялари тавсифланган.

Мис форматининг термик парчаланиш усули билан композит материал олиниб, мис нанозарралари полиэтилен матричаси ҳажмида барқарорлашди. Бу эса полимерларни органик эритувчилар билан эритганда яхши қўлланиладиган технологиядир. Полимерларни органик эритмалардан заифроқ эритувчанлиги нанозарраларни 30 нм гача бўлган ўлчамлар ва уларнинг кичик ҳажмида тақсимланиш имкониятини сезиларли даражада камайтиради. Бошқа томондан, бу материалларнинг, масалан, полиэтилен термик ва механик барқарорлигига


амалий жиҳатдан қизиқиш юқори. Тадқиқот иши мақсадларидан бири таркибда мис нанозарралари бўлган юқори босимли полиэтилен (ЮБПЭ) асосида композит полимер материалларни ишлаб чиқишнинг мавжуд усулини такомиллаштиришдан иборат. Нанозарраларни стабиллаш учун полиэтиленни матрица сифатида ишлатиш жуда жозибадор, чунки у яхши диэлектрик, барқарор, арзон, ҳар қандай шаклга осонликча қайта ишланувчан ва республика миқёсида ишлаб чиқилган биринчи полимерлардан биридир. Наноматериалларнинг уларга асосланган устуниклари, ўзига хос кичик солиштирма оғирликка эгалликлари, нанозарраларнинг юқори даражада бир хил тақсимланишига боғлиқ.

Таркибда мис заррачалари бўлган композицион материал намуналари С.П.Губин ва И.Д.Кособудски томонидан ишлаб чиқилган «Класпол» методикасини такомиллаштириш орқали олинган, бу методика барқарор бўлмаган карбон кислоталарининг термик парчаланишига асосланган. Бошланғич боғловчи бирикма сифатида моногидрат мис диацетат сифатида $(\text{CH}_3\text{COO})_2\text{Cu}$ ишлатилган, бу парчаланиш ўргача «юқори босимли полиэтилен (ЮБПЭ)-мой»нинг $t = 300 \pm 5^\circ\text{C}$ температурасида амалга оширилган. Шу мақсадда 10 г полиэтилен ва 100 мл мой ишлатилган, бунинг учун тўрт бўғизли қолба, аралаштиргич, томчили воронка, термометр ва совуткич керак. Кейинчалик қиздириш натижасида аралашма реакцияси кучли аралаштирилиш билан азот газ атмосферасида синтез температурасига (300°C) эришилди. Шундан сўнг температурани бир хил сақлаб, томчили воронка ёрдамида шаффоф аралашмага томчилатиб полиэтилен мойига мис ацетатининг сувли эритмаси юборилди, эритма оқими 15 мл/соат. Азот гази реакция давомида газли маҳсулотларни реактордан тез чиқаришни таъминлаш учун ўрнатилди, мис эритмаси қўшилгандан сўнг реакция аралашмаси синтез температурада бир соат давомида сақланиб, интенсив аралаштиришни таъминлади. Кейинчалик, қиздириш тўхтатилиб реакция аралашмаси азот атмосфераси остида хона температурасига қадар совутилди. Совитиш жараёнида нанозарралар чўкинди ҳосил қилмасликлари учун методика такомиллаштирилиб, совит жараёнида ультратовуш диспергатори ёрдамида доимий майдаланиб-аралаштирилиб турилди. Соклетт аппаратида бензол ёрдамида мой намуналардан юви бўлгач, намуналар қуритилиб, тадқиқот синовлари бошлангунга қадар сақланади. Тайёр бўлган тўлдирувчи иккиламчи полиэтиленга 1:10 миқдорда қўшилиб нанокөмпозицион материал ҳосил қилинди.


Иккиламчи полиэтилен асосида металл тўлдирувчи нанокөмпозитларни структуравий ўраниши. Ҳозирги вақтда индивидуал элементларнинг нанотузилишли морфологияси бўлган композит материалларни ишлаб чиқариш соҳасига катта қизиқиш уйғонмоқда. Нанокристалли материаллар юқори мустаҳкамлик ва каттиқлик каби ажойиб механик хусусиятларга эга. Бошқа томондан, уларнинг юқори ички чегара ҳудуди ва шунинг учун юқори интерфейсли энергия тўфайли улар иссиқлик ёки механик кучланиш остида

«зарра»нинг ўсишига таъсир кўрсатадилар ва бу уларнинг ажойиб хусусиятларини пасайтиради.

Металл-полимер нанокомпозитларда, полимер ва металнинг заррача ўлчамлари камайтирилганда, дастлабки таркибий қисмларнинг ҳам композитнинг деярли барча физик-кимёвий хоссалари сезиларли даражада ўзгаради. Полимер нанокомпозитияли материалларни яратиш соҳасида кўллаб ишларга қарамасдан, уларнинг тузилиши ва хусусиятлари учун ишлаб чиқаришнинг технологик шароитлари хусусиятлари тўла аниқланмаган, бу таркибий қисмлар тури ва табиати ўртасидаги алоқани ҳар томонлама ўрганишни талаб қилади, интерфейсли таъсирлар табиати, реакция усуллари, олинган материалларнинг механик ва функционал хусусиятлари бўлиб ҳисобланади. Белгиланган хусусиятларга эга наноматериалларни яратиш учун ушбу объектларнинг технологияси ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш усуллари ва шартлари ўртасида алоқани ўрнатиш керак. Кўпгина технологиялардан фойдаланганда мураккаб тузилишга эга бўлган нанозаррачалар пайдо бўлади, аммо улар кўпича стандартларнинг ҳар қандай тури (масалан, рентгенли ўзгаришлар таҳлиллари) ёрдамида аниқланмайди. Ушбу муаммони ҳал этиш учун наноструктуранинг маҳаллий ва оммавий хоссалари ҳақида маълумотни тахқослаш имконини берадиган турли усуллари кўллаш керак бўлади.




1-расм. Мис нанозарралари қўшилган нанокомпозитиянинг электрон-микроскопли морфологияси (а) ва таркибида мис бўлган нанокомпозитнинг энергия дисперсли рентген спектри(б)



2-расм. Кадмий сульфид нанозарралари қўшилган нанокомпозитиянинг электрон-микроскопли морфологияси (а) ва таркибида кадмий сульфид бўлган нанокомпозитнинг энергия дисперсли рентген спектри(б)

Расмларнинг (а) шаклида микрон ўлчамдаги тарқок зарралар шаклланишини кўриш мумкин. Бироқ кичикроқ нанометр ўлчамли зарралар ЭМТ тасвирларида кўриш қийин.

ЭМТ тасвирининг визуал таҳлили ва мис заррачалари тақсимоти картасига асосланган ҳолда тарқалган фазанинг сферик ёки сферодал шаклга эга эканлигини таъкидлаш мумкин. Бундан ташқари, заррачалар коэффицентларининг ўлчамлари бир хил бўлмаганлиги, уларни визуал тарзда бирликка яқинлигини тақлиф қилиш мумкин. 3-расм таркибида мис зарралари бўлган композитнинг рентгенли дифрактограммаси кўрсатилган.



3-расм. Таркибида мис бўлган нанокомпозитнинг рентген структурали дифрактограммаси.

Рентген фазовий ўзгаришлар тахлилини қўллаган ҳолда, структурали элементларнинг ўлчамларини (зарралар, кристаллитлар, изчил тарқоқ блоклар ва бошқалар) ҳисоблаш мумкин.

Заррачалар ўлчами, дифракцион чўққилар кенлиги Дебай-Шерер формуласига кўра аниқланади:

$$d = \frac{K\lambda bc}{\beta \cos \theta}$$

бу ерда d – кристалларнинг ўртача ўлчами; K – заррача шаклининг ўзгармас коэффициентини (Шеррернинг ўзгармас коэффициенти); λ – рентген нурланишининг тўлқин узунлиги; β – радианларда ифодаланган ярим баландликдаги рефлекснинг кенлиги; θ – дифракция бурчаги (Брэг бурчаги). Заррачаларнинг шаклига қараб, K коэффициенти турли қиймаглари қабул қилиши мумкин. Масалан, сфериялал зарралар учун одагда $K=0,9$ ҳисобланади. Куб кристаллари учун, Шеррер доимийси хар бир рефлекс учун қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланиши мумкин:

$$k = \frac{6/h^3}{\sqrt{h^2 + k^2 + l^2} (6h^2 - 2|hk| + |k| - 2|hl|)}$$


бу ерда h , k ва l – Миллер индекслари. Cu (111) тарқибий элементи учун заррача микдори $d=33,94$ нм. Шунинг учун хар бир заррачанинг бир нечта алоҳида кристаллитлардан (турли йўналишдаги жойларидан) иборатлиги тахмин қилинади.

Шундай қилиб, мис ацетатини термик парчалаш усули билан иккиламчи полиэтилен матричасида бир-биридан изоляция қилинган сферик нанозарралар олинади. Материал учун иккиламчи ПЭ+3% масс. Cu асосий босқичи металл мис мисолида $d=33,94$ нм заррача қатталиги икки томонлама мис бирикмалари билан стехометрик олтинугурт (Cu_2S) ва стехометрик бўлмаган бирикма (Cu_3S_2 , Cu_4S_3) аралашмаларга эга равишда тенг тақсимланади.

Диссертациянинг «Полимер композит материалларнинг термофизик хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида термофизик тадқиқотнинг аъъанавий усуллари полимерлар ва улар асосида композитлар ўрганилди.

Полимер композитларнинг иссиқлик физикасининг хусусиятлари ўзига хос реакция сифатида қабул қилинади. Бу ўзига хослик макромолекула занжирларининг муайян жойдаги эгилувчан хусусиятлари аннзотропияси кучли майдоннинг мослашувчанлиги билан боғлиқ.

Аниқланишига паст температураларда кристалли ПКМларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги кристалл черагаларида асосан фононларнинг кўчиши орқали белгиланади ва иссиқлик снғимига боғлиқ. Ушбу зоналарда иссиқлик ўтказувчанлиги $C_v \approx T^3$ (1 соха) ҳисобланади. Бироқ юқори температураларда фононларнинг сони ва уларнинг ўзаро таъсири ошиб боради, эркин югуриш йўли узунлиги камаяди, иссиқлик ўтказувчанлиги температура ўсиши билан экзопенциал равишда пасаяди.



(1 – кристалл, 2 – Cu нанозаррала, 3 – CdS нанозаррала, 4 – аморф) 4-расм. ПКМларнинг иссиқлик ўтказувчанликларининг температурага боғлиқлиги.

II соҳада иссиқлик ўтказувчанлиги $\lambda \approx 1/T$. Ушбу соҳада $100 \pm 200^\circ K$ гача кўп сонли фононлар уйғонади, уларнинг ўртача эркин югуриш йўли кичик ва деярли температурага боғлиқ эмас. Шу билан бирга фононлар ўзаро таъсирининг самарадорлиги юқори, узатиш қаршилиги температурага пропорционал ва иссиқлик ўтказувчанлиги $1/T$ қатталikka пропорционал. 4-расмдан кўриниб турибдики, 4-эгри чизикда аморф ПКМларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги температура билан монотон бўлмаган равишда ўсади ва паст температураларда кристалл ПКМларнинг иссиқлик ўтказувчанлигидан сезиларли даражада паст бўлади.

Полимер композитларда молекулалар ҳаракат тезлиги ўзгаришини иссиқлик снғими жуда яхши сезади. $273 \pm 373^\circ K$ гача ўрганилаётган температура оралигида олинган барча композитлар учун C_v нинг турли температураларда чизикли ўсиши кузатилади (5-расм). ПКлар учун $100 \pm 450^\circ K$ оралигида чизикли кўчиш $C_p(T)$, λ чўққилар билан боғлиқ бўлади. Шунн таъкидлаш керакки, полиэтиленнинг бошланғич бирикмаларини турли хил металл нанозарралар концентрацияси билан тўддириб, иссиқлик ўтказувчанлигининг $\approx 2-3$ марта ошириш иссиқлик снғимининг кўрсаткичига сезиларли таъсир кўрсатади. $80 \leq T \leq 300^\circ K$ температура оралигида $C_p(T)$ иссиқлик снғимини қуйидаги тенглама билан ифодаланиши мумкин:

$$C_p = a \cdot T + b$$

ўрганилган полимерлар учун a ва b параметрлар абсолют қийматларга яқин. Қаралаётган чизикли $C_p(T)$ температуранинг $173 \pm 473^\circ K$ оралиқда, 200 ва

450° K дан ташқари, оптик ва акустик тебранишли усулларнинг тасодифий тузатиш натижалари бўлиши мумкин эмас. $C_p(T)$ нинг бу ҳолати ПКларнинг тизимли хусусиятларига асосланган бўлиб, ички кимёвий боғланишлар туфайли полимер занжири бўйламосига кучли ўзаро таъсир ва кўшни занжирлари орасида кучсиз (Ван-дер-Ваальс) ўзаро таъсир ўтказилади, бундан ташқари металл кластерларнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Полимер занжирининг квазиўлчовли тузилишини ва кўшни занжирлари яқинлашувидаги молекулаларо таъсирлашувини ҳисобга олган ҳолда, ПКМларнинг паст температурали иссиқлик сигими Стокмейр-Хеч модели доирасида тасвирланган. Бу моделга мувофиқ, 100 ÷ 200° K температура оралиги қаралган.

$$C_{v,a} \approx a_1 T_1 + a_2 T_1^{1/2}, \text{ бу ерда } \frac{\left(\frac{4L_y}{M}\right)^{1/2}}{K_b} \leq T \leq \frac{\left(\frac{16\delta_y}{M}\right)^{1/2}}{K_b}$$

Пропорционалик коэффициенти a_1 бу тенгламада ўзаро таъсири ўзгармас деб қаралади; L_y – кўшни занжир яқин звенолари ўзаро таъсирининг ўзгармас кагталлиги, δ – занжирдаги валент атом бурчаклар деформациясининг ўзгармас катталлиги, M – молекулалар массаси.

Эксперимент натижаларини назария билан таққослаш учун C_p дан C_v га ўтиш зарур. Бунинг учун термодинамик муносабатдан фойдаланамиз:


$$C_p - C_v = \frac{TV\beta_T^2}{K_T},$$

бу ерда T – температура, v – моляр ҳажм, β_T – ҳажмий кенгайиш коэффициенти ва K_T – изотермик сиқилиш, қиймаглари қуйидагиларга тенг: $K_T = 10^{-10} \text{ м}^2 \cdot \text{Н}^{-1}$; $\beta_T = 2 \cdot 10^{-4} \text{ К}^{-1}$; $v = 1,032 \cdot 10^{-5} \text{ м}^3$; $\rho = 1162 \text{ Кг} \cdot \text{м}^{-3}$.


C_p , C_v фарқлари температура кўтарилиши билан орғиши сабабли, $T = 300^\circ \text{ К}$ температурада баҳолаймиз. Берилган температура оралигида мумкин бўлган фарқ $C_p - C_v = 1,24 \frac{\text{Ж}}{\text{К}}$ га тенг. Шубҳасиз, натижаларни таҳлил қилишда бундай фарқни эътибордан ташқарида қолдириш мумкин.

5 ва 6 – расмларда мос равишда $C_p(T)$ иккиламчи ПЭ CdS ва Cu ли композитлар келтирилган. Расмлардан кўришиб турибдики, $C_p(T)$ эгри чизиқда 100–225° K температуралар соҳасида тўлдирувчининг концентрацияси ошиши билан деярли йўқолиб кетадиган чўкки мавжуд.

Чўккиннинг тўлдириш даражасига боғлиқ ҳолда камайишни металлнинг молекулар занжирлар ва металлнинг заррачалари орасидаги ўзаро боғланишнинг эҳтимолини оширувчи нанозаррачалар билан тўлдирилиш даражасининг оширилиши билан полимер композитнинг кристалланиши бир неча баробар ошиши билан асослаш мумкин.



5-расм. ПЭ ва иккиламчи ПЭ + CdS композит иссиқлик сигимининг температуратурага боғлиқлиги.




6-расм. ПЭ ва иккиламчи ПЭ + Cu композит иссиқлик сигимининг температуратурага боғлиқлиги.

Агар металлнинг нанозаррачаларидан иборат композит полимерга нисбатан кристаллироқ эканлиги эътиборга олинса, чўккиннинг юқорироқ

хароратли сохага силжишини полимер композинтнинг структурасини тартиблантирилиши билан боғлаш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, (Cu , CdS) тўлдирувчининг турли фоидалиги тўлдирилишларида термофизик хусусиятлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Cu мавжудлигида дастлабки ПЭ дагига нисбатан майдарок ва бир жинсли сферолит структура ҳосил бўлади, бу Cu зарралари структуранинг шаклланишининг самарали куртаги эканлигини билдиради. CdS мавжудлигида игна шаклидаги сферолитлардан иборат нотекис дефектли структура шаклланади.

Махсулот шаклланишининг харорат – вақт шартларининг ўзгаришида полимер структурасига Cu нинг таъсирининг характери сақланиб қолади, CdS заррачаларининг таъсири эса ўзгаради. Эритма харорати ва ушлаш вақтининг пасайиши билан CdS заррачалари бирламчи сунъий тизим ясовчи вазифасини бажаради, бунинг натижасида текис майда сферолитли иккиламчи ПЭ структура шаклланади. Хароратнинг ошиши билан ёки унинг таъсири давомийлиги ошса йирик, бир жинсли бўлмаган ва дефектли структуранинг ҳосил бўлиши кузатилади. Бунда металл тўлдирувчи полимер композинтларнинг тартиблантириш даражаси пасаяди. Шундай қилиб, металлларнинг полимер композинтнинг структурасига таъсири технологияга, яъни композинтларни тайёрлашнинг харорат - вақтли режимида боғлиқ бўлган ҳолда турлича бўлиши мумкин.



1, 2- чизиклар – (1), (2) формулалар бўйича ҳисоб–китоблар. 3, 4- чизиклар – мос равишда Cu , CdS лардан иборат иккиламчи ПЭ лар учун таъриба чизиклари.

7 - расм. ПЭ иссиқлик ўтказувчанлигининг иккиламчи ПЭ асосида концентратсияли боғ-лиқлиги.

7-расмда э нинг нано ПКларнинг ν , га боғлиқлиги келтирилган, бундан кўришиб турибдики, тўлдирувчининг ҳажмли қисми ошиши билан композитнинг иссиқлик ўтказувчанлиги ошади. Агар Cu ли композинтлар учун э нинг сезиларли ўсиши тўлдирувчининг $0,1 \div 0,3$ ҳажмида кузатилса, CdS ли композинтлар учун $0,4 \div 0,5$ тартибли ҳажмда кузатилади.

Диссергациянинг «Мис ва кадмий сульфид нанозарралари билан тўлдирилган полимер асосидаги композицион моддалар механик – реологик хусусиятлари» деб номланган бешинчи бобида физикавий-химёвий ва механик хусусиятлари ўрганилган.

Ўтказилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, тўлдирувчи композинтларнинг реологик хусусиятлари эритманинг рентабеллиги билан баҳоланди. ПКМ таркибидаги мис нинг кўпайиши натижасида композитнинг сувоқлиги пасаяди (1-жадвал), шунингдек, мис билан тўлдирилган композинтлар босим остида қуйиш усулида қайта ишланиши мумкин.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, полимер матрицага тўлдирувчини киритиш композит материал эритмасининг окувчанлигини сезиларли пасайтиради.


1-жадвал
Композинтнинг таркибига қараб $200^{\circ}C$ хароратда эритманинг оқим тезлигининг ўзгариши (заррача ҳажми ≤ 100 нм)

Композинтнинг таркиби заррача массаси, ПЭ даги хар 100 қисмга заррача массаси	ПЭ ЭР г/10мин
ПЭ	5,36
Иккиламчи ПЭ+ Cu 3,27%	3,72
Иккиламчи ПЭ+ CdS 5,61%	3,08
ПЭ+ Cu 40%	2,62
ПЭ+ CdS 50 %	1,98

Олинган маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, полимернинг термик парчаланиши (ПП) натижасида полиэтиленнинг пастрок ёпишқоқликка эга эканлиги ва ПЭ+мис (дисперс заррачалари)га ишлов бериш нўқтаи назаридан афзал, аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўрганилаётган ПЭ учун ушбу кўрсаткичлар бир-бирига яқин. Иккиламчи ПЭга мис нанозаррачаларининг киритилиши композит материал қовушқоқлигига таъсири 8-расмда кўрсатилган. Графикдан кўринадики, мис нанозарраларининг киритилиши қовушқоқликни 4,3 дан 4,0 Па·с гача пасайтирган, бу эса мис нанозаррачаларининг тўлдирувчи сифатида киритилиши полимернинг термик парчаланиш қийматини олиш ва композит материалнинг қовушқоқлигини пасайтириш имконини беради.

Жадвалдан кўришиб турибдики, 40% миснинг дисперс зарралари билан тўлдирилган композит учун энг паст фаоллаштириш энергияси кузатилмакда. Иккиламчи ПЭ нано зарралар билан тўлдирилганда ковушқоқ окимни фаоллаштириш энергиясининг пасайиши полимер ва тўлдирувчининг таркибий қисмларида нано зарраларнинг адсорбцион ўзаро таъсири мавжудлигини кўрсатади. Эҳтимол нано зарралар тўлдирувчи окимнинг элементлар ходисаларида алоҳида заррача эмас, балки полимер адсорбция қатлами билан шаклланишида иштирокини осонлаштиради. Шу билан бирга иккиламчи ПЭга нано зарралар киритилганда, оқувчанликнинг ортиши ва ПЭга дисперс зарраларни қўшганмизда ковушқоқлигини пасайиши кузатилади, бу айниқса, кесиш окими амалга ошириладиган усул (босим осиде куйиш ва экстракцияда) маҳсулот ишлаб чиқаришда жуда муҳим.

9 -расмда мис нано зарралари билан тўлдирилган иккиламчи ПЭ учун $\lg \eta - \lg \tau$ боғланиш ва 9-расмда дисперс зарралар миқдори ошиб бориши билан композитнинг ковушқоқлиги пасайиши кўрсатилган. Қовушқоқликни пасайтиришнинг энг кичик миқдори 3% мис нано зарралари билан тўлдирилган тўлдирувчилар концентрациясида кузатиладиган.




8-расм нано зарралари ковушқоқлигининг тарқалишида кучланишига ва хароратга боғлиқлиги.
1-ПЭ; 2-ПЭ+Cu(20%); 3-ПЭ+Cu(30%); 4-ПЭ+Cu(40%); 5-иккиламчи ПЭ+Cu(3,27%).

Тизим боғланишларнинг йўқотилиш ва мувозанатлаштирилган ҳолатига ўтиш даврида сарфланиши керак бўлган энергияни баҳолаш учун, фаоллаштириш энергиясини ҳисоблаш керак, унинг пасайиши полимерда янги боғланишларни тавсифлайди. 8-расмда фаоллаш энергиясининг ҳисоби $\lg \eta - T$ координаталарда графиги келтирилган. 2-жадвалда ушбу композит учун $E_{\text{фол}}$ нинг қийматлари берилган.

2-жадвал.
Мис нано зарралари билан тўлдирилган полиэтилен асосидаги композит ковушқоқлиги окимнинг фаоллаштириш энергияси.

Композит таркиби	$E_{\text{фол}}$, кЖ/моль
ПЭ	24
ПЭ+Cu 20%	16
ПЭ+Cu 30%	15
ПЭ+Cu 40%	14
Иккиламчи ПЭ + 5.61% (Cu)	20
Иккиламчи ПЭ + 3.27% (Cu)	22



9-расм. ПЭ ва иккиламчи ПЭ асосидаги композит эритма ковушқоқлиги тарқалишининг кучланишига боғлиқлиги.
1-ПЭ; 2-ПЭ+Cu(40%); 3-ПЭ+Cu(20%); 4-ПЭ+Cu(30%); 5-иккиламчи ПЭ+Cu (3,27%).

ХАМЗАЕВ ХАКБЕРДИ ЭШМИРЗАЕВИЧ

НАНОКОМПОЗИЦИОННЫЕ МАТЕРИАЛЫ С МЕТАЛЛИЧЕСКИМИ
НАПОЛНИТЕЛЯМИ НА ОСНОВЕ ПОЛИЭТИЛЕНА И
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СОСТАВА И ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ
ПРОДУКЦИИ НА ИХ ОСНОВЕ

05.02.01 – Материаловедение в машиностроении. Литые дело. Обработка металлов
термически и под давлением. Металлургия черных, цветных и редких металлов. Технологии
редких и редкоактивных элементов

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РФД)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Қўлланиладиган дисперс зарралар концентрасиясининг ортиши билан қовушқоқлик кўрсаткичларининг ёмонлашиши юзага келади, бу дисперс зарраларнинг агломерацияси ва юқори ривожланган тўлдирувчи юзасида полимер макромолекулаларининг ҳаракатчанлигини чеклаш билан боғлиқ бўлиши мумкин. 9-расмдан кўриниб турибдики, ПЭ га миснинг дисперс зарраларини киритиш унинг реологик хусусиятларини ўзгаришига ёрдам беради. ПЭга дисперс зарраларни киритиш унинг солиштирма сирт юзаларининг катталиги қовушқоқликка катта таъсир қилади. Иккиламчи ПЭга мис нанозарраларининг 3% концентрасияга киритиш фақат юқори тарқалиш кучланишда композит қовушқоқлигини, солиштирма сирт юзаси $277 \frac{m^2}{g}$ га тенг бўлган нанозаррала ПЭ даражасига пасайтиради.

9-расмдан кўриниб турибдики, миснинг нанозарралари киритилиши туфайли ультратовуш таъсири пайтида жуда нозик диспергирлаш хисобига қовушқоқликнинг пасайишига ёрдам беради ва реакциядаги моддаларнинг фазалараро таъсирини кучайтиради.

ХУЛОСА

1. Иккиламчи полиэтилен асосидаги мис, иккиламчи полиэтилен асосидаги кадмий сульфид нанозарралари тўлдирилган ва уларнинг микдори, тарқибини танлашда ишлатишнинг ўзига хос шартларига қараб керакли хусусиятларга эга материалларни танлаш усули тавсия этилди.
2. Иккиламчи полиэтилен асосидаги композицион материалнинг физик-кимёвий хоссаларига тўлдиригичлар нанозарралари ўлчами, уларнинг хусусиятлари, тузилиши ва концентрасиясининг таъсири изоҳланди.
3. Сульфид ва металл нанозарралар асосида яратилган нанокөмпозит молекулаларининг структураси, энергия-дисперслиги ва тарқибий элементлар морфологияси ишқаланиш сиртининг нанозарралар билан тўйингириш хисобига тизимда каттик фазанинг ошиши билан боғлиқ ишқаланишда сирт қатламларининг кристалланиш даражасининг ўзгариши билан изоҳланди.
4. Нанотўлдирувчиларнинг фазали тарқибига ва полимер композит материал ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ ҳолда полимер нанокөмпозитларнинг структура ва хоссалари шаклланиши нанотўлдирувчининг зарралари симметрик моддаларнинг ўсишини келтириб чиқарилган кристалланиш марказига, нанозарраларнинг (3 - 5 % ҳаж.) кичик қўшимчалари таъсирида ПЭ ламеляр структурасининг сферолит структурага айланишига, композит компонентлари орасидаги фазалараро ўзаро таъсирининг кучайишига боғлиқлиги изоҳланди.
5. Нанозарраларнинг табиати ва тарқибини нанокөмпозитларнинг деформацион, триботехник, термофизик ва эластиклик хоссаларига таъсири асосланди.
6. Бир-биридан изоляцияланган сульфид ва металл нанозарралар билан тўлдирилган иккиламчи полиэтилен асосида композит материаллар ва наноструктурали буюмлар олиш такомиллаштирилган технологияси тавсия этилди.

Тема диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2. PhD/Т1762

Диссертация выполнена в Джиззакском государственном педагогическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного Совета (www.kashit.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyou» (www.ziyouet.uz).

Научный руководитель: Умаров Абдусалом Вахитович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Зиямухамедова Умидда Алжановна
доктор технических наук, профессор

Адылов Равшан Иркинович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский филиал Туринского политехнического института

Защита диссертации состоится 17 апреля 2021 года в 10 часов на заседании Научного совета DSc 15/27.02.2020.Т.73.02 при Ташкентском государственном транспортном университете (Адрес: 100167, г. Ташкент, ул. Темир йулчилар, 1. Тел (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54 e-mail:

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентском государственном транспортном университете (регистрационный номер № 020). (Адрес: 100167, Ташкент ул. Темир йулчилар, 1. Тел: (99871) 299-05-66.

Автореферат диссертации разослан «31» марта 2021 года
(протокол реестра № 01 от «30» марта 2021 года).



А.М.Арифжанов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

Э. Тембаева
Член секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук

Ш.С. Файзбаев
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня в мире, в том числе, в США, Германии, Китае, Японии, Российской Федерации и в других развитых странах, на основе создания наноразмерных материалов, изучения их свойств производятся новые технологии, композиционные материалы, сооружения и электронные установки, а также особое внимание уделяется получению их посредством наноструктур, имеющих редкостные свойства и композиционные материалы на их основе с заранее заданными функциональными свойствами.

В мире ведутся научно-исследовательские работы посвященные созданию новых этапов развития технологий полимерных композиционных материалов, дальнейшей минимизации функциональных элементов для получения высокопрочных изделий, изучению их свойств и созданию наноструктур и композиций со специальными свойствами.

В последние годы в нашей Республике ученые достигли ряда положительных результатов по изучению и исследованию свойств наноразмерных объектов, уникальных свойств нанообъектов, в чем составе имеются наночастицы. В стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важнейшие задачи по «...перевести производство на качественно новую ступень, направленную на его ускоренное развитие...». Вводить в Узбекистан новые технологии, создавать новые технологии...». Вместе с тем изучение закономерностей воздействия на процессы формирования композитов с наночастицами, их физико-механических и триботехнических свойств, основанных на композитных материалах, состоящих из наночастиц, которые включают в себя кадмий сульфид и окись меди в матрице полиэтилена, является одной из актуальных задач.

Исследование диссертации в определенной степени служит осуществлению задач, определяемых Указом Президента Республики Узбекистан «О стратегии Действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годы» за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года, Постановлениями «О мерах дальнейшего укрепления инфраструктуры научно-исследовательских учреждений и развития инновационной деятельности» за № ПП-3365 от 1 ноября 2017 года, «О дальнейшем совершенствовании систем внедрения в практику инновационных идей, технологий и проектов» за № ПП-3382 от 27 апреля 2018 года, «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в сферах и отраслях экономики» за № ПП-3698 от 7 мая 2018 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «о стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики «VII. Химические технологии и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. По изучению наполнительных материалов и созданию состава и технологии получения продукции на их основе проведены научные исследования такими учеными, как Ю.С. Липатов, S.Hulemp, R.Mogel, A.Nauazhi, D.Jully, G.Akovali, A.D.Amore, C.C.Песецкий, В.А. Гольдаде, С.С. Нигматов, С.Ш. Рашидова У.Абдурахманов, Т.Бабаев, А.С.Ибодуллаев, Э.У.Тешабова, У.А.Зиямухамедова, и другие.

Большинство исследований, проводимых ими для производства конструктивных, триботехнических, декоративных, защитных, электротехнических и других функциональных деталей, представляют собой композиционные материалы с дисперсными наполнителями, которые не лишены определенных недостатков механических и термических свойств. Разработаны полимерные композиционные материалы, компоненты различного состава, дисперсности, габитуса и активности, модификаторы, полимеры, ингредиенты и технологии для их производства.

